ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
АРНАСОЙ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ARNASOY TUMANI
HOKIMI
QARORI

2019 йил «05» 03 741-сон Арнасой шаҳарчаси.

Арнасой туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари (бундан буён матнда – техника деб юритилади) техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли техникани техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман «Давтехназорат» инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспектори томонидан ундириладиган йиғимлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилсин.

4. Техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия раиси (Ҳ.Бўрибоев)га:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (мулкдор) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани юбориш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма бериш;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда техникадан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни туман ҳокимлигига тақдим этиш вазифалари топширилсин.

5. Ушбу қарор «Арнасой тонги» газетасида эълон қилинсин ва белгиланган тартибда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Суяров зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ж.Бердибоев**

«05» 03 2019

№262-сонли карорига
илова

Арнасой туман худудида халк хужалигида фойдаланилаётган барча турдаги транспорт воситаларини, фукароларга тегишли булган енгил автомобиллар, мотоцикллар ва тиркамаларни 2019 йилда техник кўрикдан утказиш комиссияси

Т А Р К И Б И А Ъ З О Л А Р И :

1. Ш.Алимов	-	туман ИИБ ЙХХГ катта нозири, комиссия раиси
2. А.Улуғмуродов	-	харакат хавфсизлиги мухандиси, комиссия раиси ўринбосари
3. Б.Алимов	-	туман мудофа ишлари бўлими бошлиғи
4. З.Турсунов	-	туман Агросуғурта идораси бошлиғи

Изох: Комиссия аъзолари техникаларни кўрикдан утказиш давомида кўрик тугагунга кадар кўрикда катнашишлари шарт.

«___»_____

№_____-сонли карорига

илова

Арнасой тумани худудидаги халк хужалигида фойдаланадиган барча транспорт воситаларини, тиркама ва ярим тиркамаларни, фукароларга тегишли булган енгил автомашиналар, мотоциклларни 2019 йилда техник кўрикдан утказиш

Ж А Д В А Л И

т/р	Ташкилотлар номи	Техник куриқдан утказиладига н кун вакти	Курикга такдим этиладиган транспортлар сони	Техник курик утказиладиган жой ва бажарувчи ходимлар	Маъсул ходимлар
1	А Латипов М.Ч.Ж	20.03.2019	17	Автокорхона	Х Ашуров
2	Арнасой транс х.к.к	21.03.2019	2	ЙХХГ маскан	И.Маманов
3	Турон Ф/Х	22.03.2019	2	ЙХХГ маскан	Э.Туронов
4	Туман хокимлиги	23..03.2019	4	ЙХХГ маскан	Бош мухандис
5	Санзор Ф\Х	23.03.2019	6	ЙХХГ маскан	Р.Ёдгорова
6	Агоро банк	24.03.2019	4	Банк гаражи	Б.Эшимов
7	Туман Ветернария	25.03.2019	2	ЙХХГ маскан	А.Абдурахимов
8	Тиббиет бирлашмаси	26..03.2019	4	М.К гаражи	М Абдусатарова
9	Солик Идораси	27.03.20119	4	ЙХХГ маскан	У.Холбутаев
10	Халк банки	28.03.2019	2	ЙХХГ маскан	Р.Пардаев
11	А.Проекциях.к.к	29.03.2019	2	ЙХХГ маскан	А Хамраев
12	Зийрак зуккр х.к.к	30..03.2019	1	ЙХХГ маскан	К.Шодиев
13	Бутсифон Тулпор х/к	01.04.2019	1	ЙХХГ маскан	Б Абиров
14	Автойул корхонаси	02.04.2019	3	ЙХХГ маскан	Р.Сайдивалиев
15	Агротехсервис	03.04.2019	1	МТП гаражи	МТП рахбари
16	Газ корхонаси	04.04.2019	1	ЙХХГ маскан	Б.Ашуров
17	Нурбекжон. А х/к к.к	05.04.2019	1	ЙХХГ маскан	А Хужамкулов
18	М.К.Т. Ватанпарвар	10.04.2019	3	ЙХХГ маскан	У.Хамраев
19	Пахта тозалаш зовод	11.04 2019	1	ЙХХГ маскан	Бош мухандис
20	Ободонлаштириш	12.04.2019	2	Корхона гараж	Бош мухандис
21	Туман М.Ч.Ж лари	13.04.2019	7	ЙХХГ маскан	Рахбари
22	Фермер хужаликлар	20.04.2019	15	ЙХХГ маскан	Рахбарии
	Тоза худуд корхона	25.04.2019	2	ЙХХГ маскан	Рахбарли
	ЖАМИ		87		

Хужалик, ташкилот, корхона ва фермер хужаликларининг рахбарлари автотранспорт воситаларининг куриги бошлангунга кадар туман ички ишлар булимининг йул харакати хавфсизлик гурухи картотекаси хисобида турувчи автотранспорт воситалари хакида маълумотларни топшириши шарт. Муддати утиб яроксиз булиб колган транспорт воситалари ва уларнинг эхтиёт кисмлари тугрисида маълумотнома берилсин ва назорат утказилсин..

Шахсий транспорт воситаларини техник куриги хар куни соат 10-00 дан, якшанба кунлари эса соат 13-00 гача туман А.Латипов М.Ч.Ж да утказилсин.

«РОЗИЛИК БЕРАМАН»

Арнасой туман ИИБ бошлиғи
подполковник **Ё.Акабоев**